



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan
2012-yil 24-may № 63 (3100) payshanba

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига

Азиз болаларим, фарзандларим!
Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Авалло, сизларнинг барчангизни мана шу фусункор баҳор айёмида чехраси ва бағрини очиб, янада гўзал қиёфа касб этган Навоий шахрида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимизга самимий муборакбод этаман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб юртимизда инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдек юксак мақсадни ўз олдимишга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўлида бугун Ватанимиз қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар дунёнинг узок ва яқин мамлакатларида кенг эътироф этилаётгани халқимизга, барчамизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизга катта ғурур ва ифтихор етказмоқда.

Ёш авлодимизнинг ақл-заковати, қобилияти ва талантини рўйбга чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир ёрқин намоёниши сифатида бугун Навоий шахрида бешинчи бор ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида қатъият билан бел боғлаб майдонга тушаётган сиз, азиз фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлариниз, гайрат ва шижоатингиз барчамизга кенг қувонч бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Юртимизда шаклланган, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тадбир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошириётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқро майдонларда юксак шохсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500 та замонавий спорт объекти

бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг қўламини ва миқёси кенгайиб, барча ҳудуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгрок қамаб олмоқда.

Уйлайманки, сизлар бўлғуси мусобақалар давомида бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қиласизлар. Ушбу беллашувларни юксак савияда ўтказиш учун Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган, бугун сизларга ўз эшиқларини очиб мухташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзалари, инфратузилма объекти сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизни намоён этишга, келажақда эса минглаб ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши табиийдир.

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спортини том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шугулланганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси ўз навбатида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлиши соғлом авлод тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мулқ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз албатта барчамизни хурсанд қилади.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугун бошланаётган «Умид ниҳоллари» ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тамойилларини кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилган билан айниқса эътиборлидир. Бу мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани ёшларимиз ўртасида спортни янада омаллаштиришда бу ўйинларнинг ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқин кунларда XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига йўл оладиган ака ва опаларингиз катта спорт оламига илк қадамларни сизлар қатнашаётган айнан мана шундай мусобақалардан бошлагани, уйлайманки, барчангизнинг кучингизга куч, ишончингизга ишонч қўшади.

Бугун Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланаётган моҳир спортчиларимизга барчамиз омад тилар эканмиз, сизлар ҳам уларнинг изидан бориб, жаҳон майдонларида ўзбекистонимиз байрогини баланд кўтарасиз, деб ишонамиз.

Азиз фарзандларим!
Сизларнинг иштирокингиздаги кескин беллашувларни минг-минглаб тенгдошларингиз, ёру дўстларингиз, барча спорт мухлислари қизгин олқишлар, эзгу тилақлар билан қутиб олади.

Билиб қўйинки, давлатимиз, жамияти-миз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бахту саодатингиз учун ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва меҳрини асло аймайди.

Барчамизнинг истагимиз битта: ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка доимо муносиб бўлиб, мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссангизни қўшиш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтириш учун интилиб яшанг.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун янги-янги спорт объекти барпо этган, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган моҳир курувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва мутасаддиларга, бугун Навоий вилояти аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорлик билдираман.

Ишонаман, бу мусобақалар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва адолат руҳида ўтади ва барчангизнинг ҳаётингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги ёшлик ва спорт байрами билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга йил бўлади» мавзусидаги маърузасида халқимизнинг фидокорона меҳнати ва ҳаётининг эришилган 2011 йилнинг яқунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун барча асосларимиз борлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ўтган йили мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодий жида ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олгани қайд этилди.

Аҳоли ижтимоий ҳимояси — бош мезон

Юртбошимиз ўз маърузасида ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратиб, 2011 йилда республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортгани, ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68 фоиздан кўпроги қишлоқ жойларда ташкил этилганига алоҳида тўхтади.

Таъкидлаш зарурки, буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан олиб бориладиган ҳар томонлама пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган 2012 йилда амалга оширилиши мумкин аҳамият касб этувчи устувор вазифалар қаторида юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасининг жида ривожланишини, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига батафсил тўхтаб ўтилади.

Давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиққан ҳолда, ўз навбатида, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам 2012 йилда энг йирик ва оммавий жамоат ташкилоти бўлган касба уюшмалари олдига турган қўйидаги энг муҳим устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олди: - давлат, иш бевуҳура, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва касба уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш ва бу орқали:

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш;
- аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш;
- меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар, республикада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш;
- касба уюшмалари тизимини, барча бугун касба уюшмалари органлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни давом эттириш, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш;
- аҳолини, айниқса, ёшларни, ижтимоий ҳимоя-талаб фуқароларни иш билан таъминлашга, янги иш ўринлари кўрсаткичларининг ишончилигини таъминлашга фаол қўмақлашиш, иш ўринларида меҳнат муҳофазаси ҳолида ва нормаларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида ўтказилаётган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари сифатини, касба уюшмаларининг туризмин ривожлантириш бўйича фаолиятлари самарадорлигини ошириш;
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини замон талаблари даражасида сифатли соғломлаштиришни ташкил этиш;
- Мустаҳкам оила йилида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали оилаларни, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш,

улар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадига тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайитириш;

- касба уюшмалари тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларини давом эттириш.

Шу ўринда ўтган йили касба уюшмалари тизимида амалга оширилган такомиллашув жараёни-лари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш зарурки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиққан ҳолда касба уюшмалари фаолиятини янги босқичга кўтаришга асос қўлган тизимли ишлар амалга оширилди. Мана шундай тизимли ишлардан бири ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини қўлайитириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлардир.

2011 йилда касба уюшмаларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш соҳасидаги фаолияти ҳам самарали бўлди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, касба уюшмаларининг фаол иштирокида Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар ниҳоясига етказилиб, бугунги кунда мазкур Қонун лойиҳасини вазирлик ва идоралар билан келишиш босқичидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасига тегишли тақлифлар киритилди. 14 та Қонун ва 25 та меъёрий актлар лойиҳаси қўриб чиқилиб, хулосалар берилди. Шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан йўлланган меҳнат низолагарига оид мунозаралар бўйича эксперт хулосалари тақдим этилди.

Ижтимоий шериклик асосида кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш ишларини қўлайитириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ўртасида имзоланган 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда давлат, иш бевуҳура ва касба уюшмалари самарали ҳамкорлигининг амалдаги яна бир намунаси бўлди. Мазкур Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда республика миқёсида ҳудудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларининг экспертизадан ўтказилиши таъминла-ниб, ушбу муҳим ҳужжатлар мазмун-моҳияти давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгаришлар, янги бўлим ва бандлар билан бойитилди. Уларга киритилган янги бўлим ва бандларда асосан, хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий ҳимоясини қўлайитириш масалалари акс эттирилди.

Шу ўринда эътибор учун мазкур статистикани келтириш ўринлидир: бугунги кунда Республика миқёсида 85 тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, туманлар ва вилоятлардаги шаҳарлар миқёсида 509 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, Беовсита корхона, ташкилот ва муассасаларда 115 мингта жамоа шартномалари амал қилмоқда. Натижада, касба уюшма аъзоларининг меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 91 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди.

(Давоми 2-бетда)

Навқирон авлоднинг спорт байрами

Навоий шахрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари бошланди.

...Навоий шахри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар кундуздагидек чароғон. Сержило нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, энгил хилпираётган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ, ўзгача тароват бахш этган. «Умид ниҳоллари — 2012» мусобақалари муносабати билан қад ростлаган мухташам марказий стадион меҳмонлар ва спорт мухлислари билан тўла.

(Давоми 2-бетда)



Муҳаммад АМИН (Ўза) олган суратлар

■ МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ



Кўнги кўнгиладан сув ичади, дейишади. Айниқса, кўз-кўзга тушиб, дилдан сўхбатлашиш бошқача. Чунончи, инсон ҳамини маънавий озуғига эҳтиёж сезади. Маънавият сарчашмаларига интилиб яшайди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши даволаш-профилактика марказида «Маънавият соатлари» доирасида ташкил этилган учрашувда ҳам ана шундай чанқоқликни ҳис этдик. Унда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти ижодий ходимлари ҳамда марказ шифокорлари иштирок этди.

Фидойилик кўрсатиб яшайлик

Қайд этиш жоиз, даволаш-профилактика марказига қираверишдаёқ саршталикдан баҳри дилингиз очилди. Ям-яшил дараклар, чиройли гуллар, даволашнинг замонавий имкониятларини ўзида мужассам этган марказ. Дарҳақиқат, бу ерда энг замонавий тиббиёт ускуналари маъжуд бўлиб, тажрибали шифокорлар фаолият юри-тишади.

Учрашув меҳмони — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Прези-

дентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» ҳамда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобларида акс этган маънавият, маънавий жасорат тушунчалари мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб ўтди. Тури ахборот хуружлари даврида миллий маънавиятни асраш, ёшлар онгига сингдириш борасида мулоҳазалар билди-риди.

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Шундай ажойиб учрашувда иштирок этаётганимдан мамнунман. Журналистларимиз қалам билан, сўз билан халқимизни қорига яраса, шифокорларимиз эса инсонларни нафақат муолажа, балки ширин сўзи ва табассум билан даволайди. Бундай соҳа вакиллари эса, шубҳасиз, маъна бари камол бўлиши лозим. Абу Али ибн Сино бобомиз ҳам табобат илмининг султони бўлиш билан бир қаторда шеърлар ёзган.

Дарҳақиқат, маънавий жасорат ҳақида гапирганда ажодларимизни ёдга олмасдан илоҳимиз йўқ. Буюк алома Махмуд аз-Замаҳшарийни барчамиз яхши биламиз. У киши араб бўлмаса-да, араб тили грамматикаси-га бағишланган «Ал-Кашшоф» асари-ишат билан ўтказишга қизганар эди, дея ёзишган. Маишат қилмоқчи бўлса, имконият бор, аммо у киши буни истамаган. Узини салтанат ривожига бағишлаш ҳам маънавий жасорат эмасми? Ёки бўлмаса, тарихий ҳақиқатни ёзиш мумкин бўлмаган бир пайтда «Ўткан кунлар»ни ёзиб Отабек, Қумуш бўлиб қалбимизда яшаётган Абдулла Қодирийни, қалтис вазиятда, уруш йиллари машаққатига қарамай «Навоий» романини ёзган Ойбекнинг жасорати биз учун намуна.

Истиқбол неъматининг нечоғли улуглигини таърифлашга ҳожат йўқ. Мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш борасида Юртбошимизнинг маънавий жасорати барчамиз учун ибрат. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобида ўша даврданг ўта қалтис вазият акс этган. Президентимизнинг зуққолиги, донишмандлиги туфайли осейишталгимиз сақлаб қолинди. Изнач тараққиёт йўлига тушиб олдик.

(Давоми 2-бетда)

«Инсонга наф келтириш — олий бaxт» танловига

Садбархон опанинг бир куни
2-бет

Мавсум олдидан

Ором ҳоҳлар чорламоқда
3-бет

Журналининг янги сони

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам
3-бет

Аҳоли ижтимоий ҳимояси — бош мезон

(Давоми. Боши 1-бетда)

Касаба уюшмалари тизимида жорий этилган янги амалиётлардан яна бири — касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ўз аъзолари олдига ҳисобот бериш тизими яратилганлигидир. Мазкур йўналишни жорий этиш ва жамоа шартномалари муҳофазаси жараёнига эътиборни кучайтириш натижасида касаба уюшма фаоллари ва аъзоларининг тақлифлари жамланди. Мана шу тақлифларда асос эътибор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган вазирликлар, идоралар, ҳуқуқ тартибот органлари, жамоат ташкилотлари иштирокидаги «Меҳнат соҳасида долзарб масалалар» мавзусидаги давра суҳбати аҳоли манфаатларини ҳимоялаш йўналишидаги кўплаб масалаларнинг ҳал этилишини таъминлади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклиги ривожлантириши, бу орқали ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш йўналишидаги ишлари бу билан чекланиб қолмади. Яъни, 15 га яқин ташкилотлар, хусусан, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик режалари қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятида жорий этилган янги иш ўринлари яратилиши ва улар ишончлилиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизими орқали касаба уюшма фаоллари томонидан 1663 та корхонада яратилган 14,5 мингга яқин янги иш ўринлари ишончлилиги ўрганилишига муваффақ бўлинди. Аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Федерация Кенгаши ва ҳомийлар маблағларини йўналтирган ҳолда 1254 та янги иш ўринлари яратилди. Рақамларга мурожаат этсак, ўтган йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 73 минг нафарга яқин фуқарога ҳамда 52 минг тадан зиёд оилага қарийб 23 миллиард 565 миллион сўмлик ижтимоий кўмак тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, 760 та оилага узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 45 минг нафарга яқин фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилинди. 55 минг та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юрталарининг 2300 нафар талабасига контракт туловлари тўлаб берилди. Шунингдек, 17 минг 712 нафар ёлғиз қарияга ижтимоий кўмак амалга оширилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз кераки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майдаги ПП-1542 сонли «2011-2015 йилларда ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий кўмак кўрсатиш мақсадида 800 миллион сўмликдан зиёд касаба уюшмалари маблағини йўналтириш режалаштирилган.

Ортбошимиз томонидан алоҳида таъкидланганидек, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Бу борда ҳам Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили «Устоз-шогирд» усули самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар ва касаба уюшма кўмиталари ўртасида имзоланадиган жамоа шартномаларига амалиёт ўтаётган ва коллежни битириб ишга жойлашган йигит-қизларга касаба уюшмалари томонидан

энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик тўловларни амалга ошириш, уларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, етарли иш шартлари билан таъминлашга оид тадбирлар киритилиши йўлга қўйилди.

Натижада, ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллиги давомида корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташга бириктирилган касб-хунар коллежларининг 2500 нафарга яқин ўқувчилари ҳамда коллежни имтиёзли диплом билан битириб, янги ишга жойлашган 650 нафарга яқин битирувчи касаба уюшмалари томонидан моддий ва маънавий кўлаб-қувватланди. 70028 та корхона ва ташкилотда 257 минг нафар коллеж битирувчиларининг иш жойларида мўжиза ўрнатиб қолишлари устидан жамоатчилик мониторингинг ўрнатилди.

Республика миқёсида касаба уюшмалари ва олий ўқув юрталари ўртасида тузилган ҳамкорлик дастурларига мувофиқ кам таъминланган талабаларга касаба уюшмалари томонидан устима стипендияларни таъсис этиш, ногирон талабаларни махсус мосламалар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, профессор-ўқитувчилар ҳамда ишчи-ҳодимлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишларида амалга оширилган ишлар учун 56,9 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Касаба уюшмалари инсонлар кайфияти ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутадилар. Шу боис биз фаолиятимиз давомида ҳар бир фуқарога, айниқса, ёшлар онгига мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, истиқлол йилларида турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини етказиш йўналишидаги тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам йўлга қўйдик. Хусусан, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан меҳнат жамоаларида «Маънавият соатлари» ўтказилиши жорий этилди. Уларда Республикаимиз Президентини раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиёти, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ва уларнинг аҳамияти, натижаси кенг тарғиб этиб келинмоқда.

Ҳодимлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш орқали оммавийликни таъминлаш йўналишларида амалга оширилган ишлар ҳам меҳнат аҳли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш ва ишдаги унвондорлик самарасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда, десак муболага бўлмайди. Шу мақсадда, касаба уюшмалари томонидан турли соҳа ҳодимлари ўртасида «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали, корхона ва ташкилотлар қрошидаги маданий ўқув-танловлар, клубларда фаолият кўрсатаётган болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари ўртасида Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Истиқлол гўнчалари» кўрик-танловлари ўтказилди. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган республика спартакиадалари, турнирлар ва оилавий эстафеталарга Республикаимиз вилоятларининг энг чекка ҳудудларидаги ишчи-ҳизматчиларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган велоспор-фонларда профессионал велоспортчилар билан бир қаторда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган минглаб велоспорт ишқибозлари ҳам иштирок этдилар.

Касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган таъминлашнинг самараси ўлароқ эришилган натижалардан яна бири — ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ишлари бўлди. Таъкидлаш зарурки, 2011

йилда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлланмалар ажратиш мuddатлари 5 йил ўрнига 3 йил этиб белгиланди. Бошланғич ташкилотларнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилиб, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Натижада ҳар йили қўшимча равишда 10 минг нафар меҳнаткашни соғломлаштириш имконияти яратилди. Ўтган йили касаба уюшма йўлланмалари орқали санаторийларда 89 минг 237 нафар ҳодим, санаторий-профилакторийларда 13 минг 348 нафар ҳодим, ўқувчи ҳамда талаба соғломлаштирилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида 1337 нафар кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлар касаба уюшма санаторийларида имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилиб, саломатликларини мустаҳкамладилар.

Касаба уюшма санаторийларида ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш учун яратилган шартноларни янада яхшилаш, сихатҳоқларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Хусусан, Жиззах вилоятидаги «Зомин», Тошкент вилоятидаги «Умид гулшани» санаторийларида катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилди. Тошкент шаҳридаги «Чинобод» санаторийсида сув билан даволаш бўлимини қуриш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Навий вилоятининг Конимех туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Андижон вилоятидаги «Боғи шамол», Тошкент вилоятидаги «Кўёшли», «Шабода» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш ишлари янгича ёндашув асосида ёнги мавсум давомида 965 та болалар оромгоҳларида 268 минг нафар боланинг соғломлаштирилиши таъминланди. Айниқса, 2011 йилда илк мартаба 19 та «Меҳнат ва дам олиш», 12 та «Ёғи интеллектуал ривожлантириш», 13 та «Харбий-спорт соғломлаштириш» оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларга ўсмир ёшдаги ўғил-қизларнинг жалб этилгани Республика миқёсида янада кўпроқ болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш билан қамраб олиш имконини яратди.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикасида санатор-курорт хизматини янада тақомиллаштириш Концепцияси» ишлаб чиқилиб, Раёсат йиғилишида тақдирланди. «Ўзбекистон Республикасидаги оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юқорида таъкидланган устувор йўналиш ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда. Айниқса, барча бугундаги касаба уюшма ташкилотларини мазкур эзгу ва хайрли ишларда фаоллик кўрсатишга ундаб, бошланғич ташкилотлар салоҳиятини, уларда фаолият кўрсатаётган фаолларнинг элим ва тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари бундан кейин ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб, кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашга бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси
(«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналидан олинди)



Фидойилик кўрсатиб яшайлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуман олганда, ўзгаларга кўнгилдан чиқариб ёрдам бериш ҳам улкан маънавий жасорат. Шу боис ҳаммаш маънавий қомилликка интилиб, эзгу амаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшасак, бахтимиз ҳам, жасоратимиз ҳам шу, деб ўйлайман.

Шунингдек, Мухаммад Али тарихимиз ва бугунги кунимиз, катта ўзгаришларга сабаб бўлган маънавий жасорат ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб берди. Булар ижодкорнинг шеърини ва насрий асарларида ҳам ўзининг юксак бадиий ифодасини топганини кўриш мумкин. Устоз ижодкор истеъдодли шоир сифатида ҳам элимизнинг кўнгилдан жой олган. Шу боис муҳлислар талабига қура туркум шеърларидан ўқиб берди.

— Мухаммад Али ака бу ерга Мудофаа вазирлигидан ўтган катта бир йиғиндан чиқиб келаётди. Шунга қарамай, кўтаринки руҳда даврамизга фазл бағишляпти. У киши маънавий жасорат ҳақида ҳам гапириб ўтди. Аслида, ўзининг ҳаётида ҳам бунга мисоллар талай. Ёзган эълворли китобларининг ўзи адбиётнинг халқимизга қанчалик хизмат қилганидан дарак беради, — деди бош муҳаррир ўринбосари Д. Мадиев. — Энди маънавий қашшоқлик ҳақида ҳам айтиб ўтиш ўринли. Дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган терактлар, кўз қўриб қулоқ эшитмаган ҳунрезликларнинг асосан ёшлар томонидан содир этилаётгани аянчли ҳол. Бутун дунё сийёсатдонлари бу ҳодисаларнинг сабабини муҳофаза қилиб, асосли гап айта олиш мавзаяти. Ҳолбуки, муҳтарам Президентимиз истиқлолнинг дастлабки даврларидан бошлаб дунё ҳам-

жамияти эътиборини шу масаланинг илди-ларига қаратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Сабаб ва омилилар Юртбошимиз асарларида яққол акс этган. Зеро, бугуннинг глобал муаммоларидан бирига айланган улгурган «оммавий маданият»нинг таъсир доирасини ҳозир ўлчаб бўлмайди. Бунинг замирида миллий маданиятни йўқ қилиш орқали бутун оламга ҳукмронлик қилишдай ёвуз ниятлар борлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ён-атрофимизга назар ташласак, бунинг даҳшатли оқибатларини кўришимиз қўйин эмас. Бундан керакли хулоса чиқариш эса ўзимизга боғлиқ. Осойишталик баробарида танти элимизнинг меҳмондўстлиги-ю, бағрикенглигини билган киши борки, шу ўлкада яшашни оруз қилмаган бўлса. Шундай экан, она юртимизга кўз тегмасин. Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.

— Очиғи, бу каби учрашувлар кишига маънан куч-қувват бахш этади. Биз ҳам залворли, мазмунли фикрлардан руҳландик, маънавий озуқа олдик. Бунинг учун таҳририят ҳодимларига ҳам, ҳурматли адибимизга ҳам чўқур миннатдорлик билдираимиз. Бундан кейин бу каби мазмунли учрашувларни тез-тез уюштиришни кўнгилмизга туғиб қўйдик, — деди даволаш-профилактика маркази раҳбари Ирода Набиева.

Қизиқarli суҳбат ва шеърхонликка бой ўтган сермазмун учрашув барчада катта таассурот қолдирган уларнинг мамнун қиёфаларида ҳам акс этди.

Ақмал ТОШЕВ,
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

Ўқув-семинар Модернизация — давр талаби

Тошкент вилоят таварлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида бошланғич ташкилотлар етакчилари учун «Касаба уюшмалари ҳаракатини модернизациялаш — давр талаби» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда сўзга чиққан болалар бошланғич ташкилот етакчиларига ташкилий ишларни Устав бўйича намунали тарзда олиб боришни ташкил этиш, ижтимоий шериклик таъминлаш ҳамда касаба уюш-

ма ижтимоий суғурта бюджетли маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишга эътибор қаратишга асос бўлади. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда маданий-маърифий ва спорт масалаларини ташкил

этишнинг асосий йўналишлари афроғлича тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, тингловчиларга касаба уюшмаларининг устувор йўналишларига доир тегишли ҳужжатлар тарқатилди. Тадбирда тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафғлича жавоб олдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрининг терма жамоалари кириб келади.

Навий вилояти ҳокими Э.Турдимов «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг финал босқичини очиб, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат-маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳисини янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилди.

«Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақалари байроғи ҳилпирай бошлайди.

Навқирон авлодининг спорт байрами

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаси иштирокчилари спорт беллашувида ҳалол, мардонавор ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

...Стадионга сокинлик чўмади. Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг кўёш ўчоғидан аланга олдирилган «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз стадионда кириб келади.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинлари машъаласи порлай бошлайди.

...Майдонга байрам садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, эстрада хонандалари кириб келади. Қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, гайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намён бўлади.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» ТАНЛОВИГА

САДБАРҲОН ОПАНИНГ БИР КУНИ

Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касаба уюшмаси Хўжабод туман кенгаши раиси Садбархон Юсупова ўз касбининг фидойисини. Яхши ишлар ҳақида гап кетганда, албатта, унинг номи ҳам тилга олинади.

...У оdatдагидек юлдузлар самонини тарқ этмасдан, кўёшнинг беланчагига тегиб кетишдан чўчигандек эҳтиёткорлик билан ўрнини тарқ этади. Рўзгор юмушларини саранжомлаб нуношта тайёрларкан, ҳаёт йўлига бир назар солади.

Ешлигидан рўзгор аравасини ёлғиз тортиш қисмати бошини ташкил қилади. Икки яшар Нигора ва олти ойлик Холлада билан хувиллаган уйда мунажжиб қолди. Аммо у ҳаётнинг қажшатиқ қисми олдига синмади. Узини қўлга олиб, фарзандлари қамолди учун курашди, аламини меҳнатдан олди.

нати билан элда эътибор топиб, ҳаётга мазмун кирди...

У қадрдон ишончасига кириб келар экан, бажарини зарур бўлган юмушларни яна бир бор режалаштириб олди. Бугунги вазифалар салмоғи кўп бўлсада, «Давр касаба уюшмалари» шиддат билан ишлашни талаб қилаётган, дея ўзгача гайрат билан ишга киришди. Вилоят кенгашига кўнгирак қилиб, тушиликдан сўнг ўтказилаётган ўқув-семинар ҳақида уларни яна бир бор оғохлантирди. Шундан сўнг, маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раисига кўнгирак қилиб, ҳодимларнинг меҳнат шартноини яхшилаш бўйича кўрсатмаларнинг бажарилиши билан қизиқди. Педагогларнинг ёзма аризасини ўрганиш учун 18-мактаб томон шовшилди.

Уқитувчилар мурожаатини ўз ўрнида ижобий ҳал қилганидан сўнг, меҳнат дафтарчасини юритиш, буйруқ ва фармойишлар билан танишиб, тегишли кўрсатмалар берди. Мактабдаги томорқани кўздан кечирди.

Сўнгра 21-мактаб томон йўналди. Бу ерда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида тайёргарлик ишларини назоратдан ўтказиб, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси раисига яна бир бор танлов шартларини эслатиб, алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатларни бирма-бир кўрсатиб берди.

Семинарда марказдаги 2-мактабга ҳам кириб ўтишга улгурди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича вилоят кўрик-танловидида мактаб жамоаси «Энг яхши корхона» йўналиши бўйича 1-ўринни олган эди. Республика босқичига астойдил тайёргарлик кўриш кераклигини ўқтирди. Тегишли маслаҳатлар берди.

Енгилгина тушиқ қилиб олгандан сўнг, бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтказилаётган ўқув-семинарни ташкил этиш учун 24-мактаб томон ошқиди. Семинардан қонқиқ хосил қилгач, енгил тин олган-

дайд бўлди. Бироздан кейин туман ҳокимияти томон йўлга чиқди. Ҳоким билан кўнгузга болалар оромгоҳи масаласида учрашиш керак эди. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими мудири Нейматжон Аҳмаджоновни йўлда учратиш, мақсадлини айтиди. Иқовлашиб ҳоким ҳузурига киришди.

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш эртанги фаоллар йиғилишига қўйилаётган бўлди. Вилоят кенгашига тегишли маълумотларни бериб уйига йўл олганда истироҳат боғидаги чинор шохларида қушлар аллақачон палапоиларига чўғур-чўғурлаб «алла»ларини айтиб бўлган эди. Уйда эса рўзгор юмушлари ва яна меҳмонга келган қудалари-ю, қизлари, неваралари уни кутиб туришарди...

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Ҳадемай юқори синф ўқувчилари имтиҳонларга қиришса, қуйи синфлар ёзги таътилга йўл олишади. Одатдагидек, уларнинг кўплари шаҳарорти ва мактабдан соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. Демак, олдинда масъулиятли мавсумнинг долзарб вазифалари турибди.

Оромгоҳлар чорламоқда

Жорий йил ёз мавсумида Бухоро вилоятида 18 та шаҳарорти ва 66 та кундузги мактабдан оромгоҳларда 17600 нафар ўғил-қизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. 8400 нафар бола ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан, уларнинг 9200 нафари эса ҳокимлик, ҳомийлар ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан дам олади. Мавсумга қандай тайёргарлик билан келинди? Галдаги вазифалар нималардан иборат? Қайси жиҳатлар жиддий эътиборни талаб қилади?..

Яқинда вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган 2012 йил ёзги соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари, оромгоҳлар бошлиқлари, бош етакчилар ва тарбиячиларнинг ўқув-семинарида юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Тадбирни вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Аҳад Жумаев олиб борди.

Асосий эътибор 2011 йилда ёзги соғломлаштириш мавсумининг якуни ва 2012 йилдаги вазифаларга қаратилди. Таҳлилларга қараганда, ўтган йили вилоят оромгоҳларида 18 минг нафар бола соғломлаштирилиб, бу борада режа 105,2 фоизга бажарилди. Давлат дастурда белгиланганидек, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари ва кам таъминланган оила фарзандлари беғул дам олдирилади. Барча оромгоҳларда маданий-маърифий,

кўнгилчор тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Режага асосан ҳар бир болага кўнлик овқатланиш мактабдан оромгоҳларда 3500 сўм, шаҳарорти оромгоҳларида 4500 сўмни ташкил этди. «Нефтчи», «Ёш алоқачи», «Мовий гулкан», «Мингчинор» каби шаҳарорти оромгоҳларида хўжалик органлари томонидан қўшимча маблағ ажратилиб, бир кўнлик овқатланиш 8500-9000 сўмга етказилди. Вилоят соғломлаштириш комиссияси томонидан «Ўзбектелеком» АТ филиали тасарруфидаги «Ёш алоқачи» оромгоҳи йилнинг «Энг яхши фаолият кўрсатган оромгоҳи» деб топилди.

Бироқ мавсум камчиликлардан ҳам холи бўлмади. Сўнгги босқичда вилоят соғломлаштириш комиссияси томонидан оромгоҳларда кадрлар масаласида айрим нуқсонлар қайд этилди. Масалан, Пешку туманидаги «Ёшлик», Бухоро туманидаги «Бунёдкор», Вобкент туманидаги «Ёш механизатор» оромгоҳлари бошлиқлари ўз вазифаларига соҳибдорлик билан қараганлари, фаолиятларини талаб даражасида ташкил эта олмаганлари сабабли уларга нисбатан вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан интизомий чора кўрилди.

Жорий йил мавсумида ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик, дам олишни ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриладиган ҳолда ташкил этиш бораси-



МАВСУМ ОЛДИДАН

даги муҳим масалалар муҳокама этилди. Жойларда шу кеча-кундузда олиб бориладиган тайёргарлик жараёнлари чуқур таҳлил қилинди. Чунинчи, барча турдаги оромгоҳларда ишловчи педагог, тиббиёт ходими ва бошқа ишчи-хотимларни танлов асосида ишга қабул қилиш, уларни ўқитиш, сертификат бериш асосий вазифа қилиб белгиланди. Оромгоҳларни сифатли озик-овқат таъминловчи билан таъминлаш, хавфсизлик учун жавобгарликни ошириш, талаб этиладиган даражада дори-дармонларни муҳайё этиш, мавсумда электрик энергияси, газ, сув узлуксизлигига эришиш каби муҳим вазифалар хусусида атрофчилик фикр-мулоҳаза юритилди. Бу борада тегишли идора ва муассасалар раҳбарлари, етакчи мутахассисларнинг ахборотлари тинланди.

Ўқув-семинар иштирокчиларига «Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш ҳамда уларда олиб бориладиган ишлар бўйича тавсиялар» кўланмаси, «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси» тарқатилди.

Тадбирда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими мудири ўринбосари Ёркин Юсупов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўнгилдагидек ўтади

Наманган вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотларининг вилоят семинари ташкил этилди. Унда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссияси аъзолари, тармоқ қасаба уюшма қўмитаси раислари, оромгоҳлар раҳбарлари, ҳисобчилар, бош етакчилар, ошпазлар, спорт ва сузиш йўриқчилари, врачлар ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарлари, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қотибият мудири Шухрат Мусаев ҳам иштирок этди.

— Семинардан кўзланган мақсад мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари юзасидан фикр алмашиш, олдимизда турган масъулиятли паллани ҳамкорликда юқори савияда ташкил этишдан иборат. — деди йўғилишни кириш сўзи билан очар экан вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайхо Маҳмадова. — Ўтган йили шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларда 4881 нафар ва 66 та кундузги оромгоҳда 7885 нафар, жами 12766 нафар бола соғломлаштирилди. Жорий йилда мазкур кўрсаткичларнинг умумий миқдорини 13650 нафарга етказишни мақсад қилганмиз.

2012 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2012 йил 16 мартдаги қарори қабул қилинди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида тузилган ҳудудий келишувда ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш, соғломлаштиришни ташкил этиш борасида ҳамкорликда иш олиб бориш, ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда соғломлаштиришни ташкил этиш масалаларини тизимли асосда қўриб чиқиш, Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар, кам таъминланган ва ночор оилалар фарзандларини ором-

минлаш, улар онгига миллий ғояни, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш орқали ҳар томонлама барқамол авлоднинг вояга етказишдан иборат. Эътиборингизни яна бир маълумотга қаратишни истардим, — таъкидлади маърузачи. — ЎзКУФК томонидан эълон қилинган «Энг намунали болалар оромгоҳи» ҳамда «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми ташкилотчилари ҳамда болалар оромгоҳлари ходимлари» кўрик-танловларидан хабардорсиз, бизнингча. Ҳар бир оромгоҳ ва ташкилотчилар шу шарафли номга сазовор бўлиши учун интиладилик, деб умид қиламан. Зеро, мазкур рағбатлантиришлар ортида ҳам тизимни янада такомиллаштириш мақсади турибди.

Йўғилишда, шунингдек, оромгоҳларни педагог кадрлар билан таъминлаш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйишда педагог ва етакчи ходимларнинг фаолияти тўғрисида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Хайрулло Абдураҳмонов, соғломлаштириш ва санитария-гигиена ишларининг 2011 йилги якуни ҳамда 2012 йилда бу ишларни ташкил этиш, дори-дармон билан таъминлаш юзасидан қўйилган вазифалар тўғрисида вилоят санитария-эпидемиология маркази бўлим мудири Гаъвар Нишонова, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари Анваржон Хусанов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўғинларининг оромгоҳлардаги фаолияти юзасидан «Камолот» ЕИҲ вилоят кенгаши раиси Ж.Нодиров маърузалари тинланди. Билдирилган тафсилот-мулоҳазалар, тавсияларни амалиётга татбиқ этишга келиши олинди.

Кун тартибига кўра, иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда амалий машғуллар ўташга киришиб кетишди. Ўқув якунида оромгоҳ ҳодимларининг билим ва мавсумга тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Аттестациядан муваффақиятли ўтган ҳодимлар фаолиятини ишчанлик рўҳида давом эттиришади.

Дилдора РАҲМОнова,
«Ishonch» мухбири

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси 2012 йил 25 июнда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокарали олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нарҳидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусxada.
Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олдиротди шартномасини имзолаш шарти

юклатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.
Музокара 2012 йил 25 июн кунини соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй манзилида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар:
233-35-08, 233-23-52

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари ва улушлар рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Суғчи) даҳаси, Чо Мен Хи кўчаси	«ЯБХ» ИК	2 098 542 573	630 000 000	3 йил
2	Қурилиши тугалланмаган болалар богчаси биноси	2 607,00	Бектемир тумани, Бинокор кўрғони	«ЯБХ» ИК	305 581 073	92 000 000	3 йил
3	Қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	3 600,00	Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчаси	«ЯБХ» ИК	744 081 879	284 000 000	3 йил
4	ТТЗ ОАЖ тасарруфида бўлган, «Гўшт-сут» савдо дўкони	239,00	Мирзо Улугбек тумани, Аҳмад Юғнакий мавзеси, 33-«А»-уй	«ТТЗ» ОАЖ	183 649 393	29 000 000	1 йил
5	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	1 748 639 464	276 500 000	1 йил
6	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	1 100 333 187	174 000 000	1 йил
7	Ошхона биноси	534,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	479 673 801	76 000 000	1 йил
8	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	89 143 393	14 500 000	1 йил
9	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	35 775 870	6 000 000	1 йил
10	Ишлаб чиқариш биноси	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. институти	3 499 609 260	1 050 000 000	3 йил
11	Бир қаватли бинонинг бир қисми	107,00	Яққасарой тумани, Мираҳмедов кўчаси, 4-тор кўча	БФД	49 488 560	13 500 000	1 йил
12	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	164,00	Олмазор тумани, Ц-22, 103-уй	БФД	170 047 340	27 000 000	1 йил
13	Икки қаватли ер тўлали бино	1 122,00	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Қўбрай (Мусо Жалил) кўчаси 12-уй	БФД	1 021 400 000	155 000 000	—
14	«Tayyorlov savdo» МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиқов кўчаси, 88-уй	—	1 564 600 100	—	—


ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Демократик давлат барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билимини оширишда мамлакатимиз нашрлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2012 йилдаги биринчи — Мустаҳкам оила йилга бағишланган сони нашрдан чиқди. Таъкидлаш жоизки, журналнинг янги сонидан оила барқарорлиги, соғломлиги масалаларига бағишланган илмий мақолада алоҳида жой эгаллаган. Шунингдек, унда Президент Концепцияси доирасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қонуний асослари, тарихимиз, Ўзбекистоннинг хориж мамлакатлари билан алоқалари самараси чуқур таҳлил қилинган материаллар ҳам берилган.

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам

«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» сарлавҳали мақолада журнал таҳрир хайъати жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталгани муҳим воқеа бўлганини эътироф этган. Жамиятда оила мустаҳкамлигининг асосий принципларига тўхталиб, Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритилган. Жумладан, мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажати 5 баробарга кўпайиб, турмуш даражаси сезиларли яхшиланиши таъкидланади. Натигада, мамлакатимизда оналар ўлими 2 баробар, болалар ўлими 3 баробар камайди, аҳолининг ўртача ёши 67 дан 73 ёшга өтди. Адлия вазирини Нигматилла Йўлдошевнинг «Оила — жамият таянчи» сарлавҳали мақоласида эса юқоридаги фикрлар янада чуқур таҳлил қилинган. Халқимиз азалдан оилани муқаддас билгани, унинг барқарорлиги учун эр ва хотин бирдек масъулият қаламга олинган. Бу борада тарбия, таълим масалалари муҳим ўрин тутди. Мақолада келтирилганидек, мамлакатимизда барқамол авлоднинг шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қараб келинмоқда. Соғлом авлоднинг шакллантириш бўйича Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази ва 13 та минтақавий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидан иборат ягона тизим яратилган. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази, унинг минтақавий филиал-

лари, перинатал марказларда оналар ва чақалоқларга юқори технологиялар воситасида тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури асосида барча ҳудудларда скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, даволаш имконини бермоқда. «Ҳозир республикамизда 236 та ФХДЭ органи фаолият юритмоқда... 2011 йил давомида улар орқали 288.039 та никоҳ тузилган, 627.421 нафар болага туғилганини ҳақида гувоҳнома берилган», дея таъкидланади мақолада. Шунингдек, мустаҳкам оила мавзусида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедовнинг «Жамият барқарорлигининг асоси» мақоласи чоп этилган бўлиб, унда ушбу жараёнда маҳалла аҳли, раисининг ўрни масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаеванинг «Аҳоли ижтимоий ҳимояси — бош мезон» сарлавҳали мақоласида ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг ўн уч суръати бўйича дунёнинг иқтисодий жадал ривожланаётган давлатлари қаторидан жой олгани қайд этилади. Дарҳақиқат, 2011 йилда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори 26,5 фоизга ўсди, аҳолининг реал даромадлари 23,1 фоизга ортди. Ҳудудий бандлик дастурларини амалга ошириш натижасида 1 миллионга яқин иш ўринлари



яратилди. Уларнинг 68 фоиздан кўпроги кишлоқ жойларда яратилгани кишлоқ аҳолиси турмуш тарзини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Федерация Кенгаши раиси ўз мақоласида ушбу жараёнда қасаба уюшмаларининг тутган ўрни ҳақида фикр юритган. Мақолада келтирилганидек, ўтган йили қасаба уюшмаларининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги фаолияти самарали бўлди. Қасаба уюшмаларининг фаол иштирокида «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишлар низоҳиясига етказилди. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига тегишли таклифлар киритилди. 14 та Қонун, 25 та меъёрий актлар лойиҳаси қўриб чиқилиб, ҳулосалар берилди. Бундан ташқари, мақолада ўтган йили қасаба уюшмалари тизимда такомиллашув жараёни амалга оширилгани натижасида соғломлаштириш ва бошқа қатор жабҳалар янги сифат даражасига кўтарилгани қайд этилган. Шунингдек, журналда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари Шухрат Якубов ва Анвар Яшнарбековнинг «Ижтимоий шериклигини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш — давр талаби», Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси Мансур Мусаввининг «Миссионерлик ва прозелитизмнинг сиёсий мақсадлари», Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони масъул ходими Беқозод Мусаввининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида аффе́кт ҳолатида содир этиладиган жиноятларни либераллаштириш масалалари» каби илмий-ҳуқуқий мақоалалар чоп этилган.

Улугбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедовга падари бузруквори **МИХМОН** отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Маънавият ва спорт касабаси уюшма эътиборида



Эшкак эшиб толмангиз!

Муборак шаҳридаги Баҳром Вафоев номи стадионнинг сунъий қопламали майдонларида турдош корхоналар жамоалари ўртасида мини футбол мусобақаси ташкил қилинди.

Қизғин мусобақа

Турнирни очиб берад экан, «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Шароф Раҳматов ушбу мусобақа ходимлари учун ҳақиқий байрамга айланиб бораётганини қувонч билан эътироф этди.

Муборакда, қўтилганидек, мезбонлар — «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси ҳаваскор футболчилари голиб бўлишди. Ёдингизда бўлса, бу жамоа сал аввал тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгаши соврини учун Тошкент вилоятида ўтган республика турнирида фахрли учинчи погонани банд этганди.

Бу галаба маъмурият ҳамда касабаси уюшма кўмитасининг катта эътибори тўғрисида. Корхонанинг «Машъал» спорт-соғломлаштириш клуби хар доим гавжум. Барча кон ва цехларда спорт билан шугулланувчилар учун шароитлар муҳайё, — деди спорт клуби раиси Комил Ягмиров.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Касабаси уюшмалари спорт мактабларидан етишиб чиққан тўрт нафар иқтидорли спортчи — Серик Мирбеков, Мерей Медетов, Нурислому Тўхтасин ўғли ҳамда Герасим Кочнев юртдошларимизни яна бир қарра хурсанд эттишти.

Полшанинг Познан шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган Жаҳон кубогининг биринчи босқичида иштирок этган вакилларимиз, 1000 метрга каноэда эшкак эшиш бўйича тўртликлар беллашувида маррага иккинчи бўлиб етиб келишди ҳамда қумуш медалларни ўзлариники қилишди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур тўртлик Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган XVI Осиё ўйинларида олтин медалларни қўлга киритишганди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Гузур шахрида туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди. Унда тумандаги 12 та даволаш профилактика муассасаси жамоалари мини футбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, марафон югуриш, шахмат, шашка, арқон тортиш ҳамда оилавий мусобақалар бўйича ўз омадларини синаб кўришди.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ЛАҲЗА

Волейбол баҳсларида Шошилич тиббиёт ёрдам бўлими хотин-қизларининг қўли банд келди. Мини футбол бўйича туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси энг кўп очко жамғарди.

Енгил атлетика мусобақасида туман юқумли касалликлар шифохонаси ходимаси Боғдагул Ташинова ҳамда Тўртсари қишлоқ врачлик пункти жамоасидан Сарвар Маннонов голиб чиқди. Оилавий мусобақаларда Анвар Ашууров оиласига тенг келадиган топилмади.

Бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раислари ўртасида ўтган дартс баҳсларида Шаҳодат Муродова энг яхши кўрсаткични қайд этди. — Мазкур спартакиадани орзиқиб кутамиз, — деди шахмат беллашувлари голиби Нурмамат Жабборов. — Туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Нормўмин Элмуродов жуда меҳнатқаш инсон. Унинг саъй-ҳаракати тўғрисида бундан олдин спорт майдончасида ёки шахмат тахтаси теграсида ўтказилган урганлик. Натижаларимиз ҳам ёмон эмас. Туманимиз терма жамоаси аъзолари вилоят миқёсида яхши натижалар қайд этиб, ҳатто мусобақанинг республика босқичида катнашиб келишяпти. Масалан, ўтган йилда волейболчи қизларимиз «Кўёшли» оромгоҳида ўтган баҳсларда фахрли иккинчи ўринни олишганди.

Стол тенниси баҳсида Сайдулла Тоҳиев (туман катталар поликлиникаси) ҳамда Дилнавоз Саидова (туман тиббиёт бирлашмаси), шашка бўйича эса Дилфуза Ҳайдарова (Шошилич тиббиёт ёрдам) ва Назир Убайдуллаев (Жанқара ҚВП)нинг қўли банд келди. Ғолиблар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Бухоро вилоят тармоқ кенгаши ходимлари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари касабаси уюшма кўмитаси раислари, фазначилар ва кадрлар билан ишлаш инспекторлари учун «Маънавият соати» ва ўқув-семинари ўтказилди.

Қадрият кўзгуси

Унда Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти доценти Э.Зойиров Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳияти ва тарихий ағалашдаги беқиёс аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Семинарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш яқунлари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, мутахассислар томонидан меҳнат қўнунчилиги, ижтимоий-иқтисодий масалалар, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш, жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш, меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида ўтказиладиган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларининг сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш, туризмни ривожлантириш каби масалалар юзасидан тушунчалар берилди. Иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Лолаҳон ХОЛМЎМИНОВА, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

«ЁШ ЮЛДУЗЛАР» ФЕСТИВАЛИ



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларининг иштирокида салкам 40 йилдан буён 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида



Яқинда Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги «Бадий хаваскор» маданият маркази, «Меҳржон» васийлик кенгаши ҳамда «Туркистон» саройи раҳбарияти ҳамкорлигида «Ёш юлдузлар» болалар фестивали бўлиб ўтди.



ларда катта таассурот қолдирди. Фестивалнинг юқори савияда ўтишида 40 дан зиёд ҳомий ташкилотлар ўз маблағ ва совға-саломлари билан бағраза ёрдам кўрсатдилар. Жумладан, вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам 18 та бадий жамоа аъзоларига қимматбаҳо совгалар топширди.

Ўз мухбиримиз, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшма Ангор туман кенгаши томонидан касб-ҳунар коллежи ва мактаб ўқувчилари ўртасида «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

АЛЛА СЕҲРИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган танловда қадимий халқ кўшиқлари, алла, лапарлар ижро этилди. Айниқса, момоларимиз айтган, бироқ айни кунда унутилаётган алла, ёр-ёрнинг қизлар томонидан ижро этилгани томошабинлар ва ҳайбат аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Ангор туман педагогика коллежи ўқувчи қизлари биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўланма олишди.

Дилафруз ХЎЖАНОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Ангор туман кенгаши раиси

Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежида Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Саломатлик» аёллар спартакиадаси ва «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ўтказилди.

Майдонда — аёллар

Аёллар спартакиадасида 140 нафардан ортиқ хотин-қиз волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва енгил атлетика турлари бўйича ўзаро мусобақалашди. «Фаробгазтаъминот», «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхоналари, «Газли-нефтгазқазичиқариш» унитар шўба корхонаси, «Бухоро-нефтгазпармалаш» очик акциядорлик жамияти ва Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи жамоалари тадбирда фаол иштирок этди.

Оилавий мусобақаларнинг яқунловчи босқичида 11 та оила вакиллари беллашди. Унда «Фаробгазтаъминот» унитар корхонасидан Илҳом Тоҳиевлар оиласи 1-ўринни қўлга киритган бўлса, 2- ва 3-ўринларга Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежидан Нодиржон Адизов ҳамда «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасидан Ҳалим Адизов оилалари муносиб деб топилди.

Ғолибларга тармоқ кенгашининг диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Сайёра РАҲИМОНОВА, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг етакчи мутахассиси

Репродуктив саломатлик

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Сирдарё вилоят тармоқ кенгаши билан ҳамкорликда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бу гал вилоятнинг олис Сардоба ва Ховос туманларида ташкил этилган семинар «Тугруқ ёшидаги аёллар билан репродуктив са-

ломатлик» деб аталди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган юқори малакали тиббиёт ходимлари Д.Муродуллоева, В.Зарипова, М.Маҳкамваларнинг «Репродуктив саломатлик», «Соғлом она — соғлом бола — соғлом келажак», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари» мавзусидаги қизиқарли чиқишлари тингланди.

Ҳар икки туманда ўтказилган тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоблар олишди. Ана шундай семинарлар Жиззах вилоятининг Мирзақўл, Фаллаорол туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

«Surxondaryo mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Термиз шаҳри «Термизтемирўйлиншооттаъмир» МЧЖнинг бошқарув раисининг 15.05.2012 йилдаги 52-сонли қарорига асосан жамиятнинг 21,77% ли пай улуши бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилмоқда.

Table with 5 columns: №, Аукционга қўйилган объект, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш, Закалат миқдори, Бошланғич баҳоси (сўмда)

Аукцион савдоси 2012 йил 25 июн кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 22 июн кунини соат 18:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичиди сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги мулкларнинг аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини SMM МЧЖнинг ОАТБ «Микрокредитбанк» Термиз шаҳар амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000504941294001, МФО 00326, ИИН: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Ҳужаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94, 25 октябрь 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Чотқол дарёси бўйида жойлашган

«КОНСТРУКТОР»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи аҳолига харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Мавсумнинг бошланиши — 14.06.2012 й.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Галаба-1. Тел: 248-15-01; 248-10-03



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99894 226 28 84; Namangan + 99897 491 79 28; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Qodirova, Navbatchi: A. Arslonov, Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H. Abdullatipov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasxonasiда chop etildi. Korxonа manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtasi nazaridan farg'banishi mumkin.

H - Tjorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 00.40 Topshirildi - 01.20

Buyurtma Γ — 511

21945 nusxada bosildi